

Олий суд Раёсатининг  
2023 йил 27 июндаги  
РС-33-23-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди тизими ходимлариға нисбатан  
хизмат текширувларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Олий суди тизими ходимлариға (кейинги ўринларда – суд аппарати ходимлари) нисбатан хизмат текшируви ўтказиш асослари, тартиби ва хизмат текшируви хуносасига қўйиладиган талабларни белгилайди.

2. Хизмат текшируви Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, “Судлар тўғрисида”ги Қонуни, судларнинг ички меҳнат тартиби қоидалари, суд аппарати ходимларининг касб ва одоб-ахлоқ қоидалари, мазкур Низом ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хизмат текшируви суд аппарати ходимининг хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида хатти-ҳаракатларида хизмат, ижро интизомини бузиш ҳолатлари содир этилган ёки содир этилмаганлигини аниқлаш учун ўтказилади.

3. Иш берувчи хизмат текшируви ўтказиш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги қарор тегишли буйруқ билан расмийлаштирилади.

4. Хизмат текшируви тайинланишига қўйидагилар асос бўлади:  
оммавий ахборот воситаларининг хабарлари;  
судья ёки суд аппарати ходимларининг билдиргиси;  
жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;  
суд аппарати ходими томонидан интизомий қилмиш содир этилган деб тахмин қилиш учун асос берадиган бошқа маълумотлар.

5. Қўйидаги ҳолатларда хизмат текшируви ўтказилмайди:  
қонун хужжатларга асосан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаати аноним деб топилганда;

муқаддам хизмат текшируви ўтказилгандан сўнг, худди шу мазмунда такрорий шикоят ёки мурожаат қилинган тақдирда;

шикоят ёки мурожаат муаллифи хизмат текшируви тайинлангунга қадар мурожаатидан воз кечган тақдирда.

**2-боб. Хизмат текширувини ўтказиш тартиби**

6. Хизмат текшируви суд раисининг буйруғи билан расмийлаштирилади ва ўтказилади.

Хизмат текшируви тайинлаш тўғрисидаги буйруқда хизмат текшируви кимга нисбатан тайинланганлиги, уни ўтказишга масъул этиб белгиланган комиссия ва унинг аъзолари, хизмат текшируви ўтказишнинг асоси ҳамда муддати кўрсатилади.

Комиссия камида уч нафар аъзодан иборат таркибда бўлиши керак, уларнинг бир нафари комиссиянинг раиси бўлади.

Олий суд раисининг буйруғи билан хизмат текширувани ўтказиш суд аппарати ходимларига нисбатан таркибий тузилма раҳбари, Олий суднинг Кадрлар бошқармаси масъул ходими ва касаба уюшмаси қўмитасининг аъзоларидан иборат таркибда комиссия тузилади.

Вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларнинг раисларининг буйруғи билан тегишли судлар аппарати ходимларига нисбатан хизмат текшируви ўтказилиши тегишлича вилоят судининг судьяси, вилоят судининг кадрлар бўйича масъул ходими, касаба уюшмаси қўмитасининг аъзоларидан иборат таркибда тузилган комиссияга юклатилади.

Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти директорининг буйруғи билан хизмат текширувани ўтказиш департамент ходимларига нисбатан таркибий тузилма раҳбари, департаментнинг Кадрлар бўйича бош инспектори ва касаба уюшмаси қўмитасининг аъзоларидан иборат таркибда комиссия тузилади.

Туман ва уларга тенглаштирилган судлари раисларининг буйруғи билан тегишли судлар аппарати ходимларига нисбатан хизмат текшируви ўтказилишида комиссия аъзоларини шакллантириш вилоят ва уларга тенглаштирилган судлар билан келишилади ҳамда комиссия вилоят (туман) миқёсидаги суднинг судьяси, кадрлар бўйича масъул ходими, касаба уюшмаси аъзоларидан иборат таркибда бўлади.

7. Комиссия раиси комиссия ишини ташкил этади ва мувофиқлаштиради. Унинг ўтказилаётган хизмат текшируви доирасидаги қонуний талаблари комиссия аъзолари томонидан бажарилиши мажбурийдир. Комиссия раиси хизмат текширувани ташкил этиш, тайёрлаш ва ўтказиш сифати, унинг натижалари, хуносалари ва таклифларининг холислиги учун шахсан жавобгар бўлади.

8. Комиссия таркибига қўйидаги шахсларнинг киритилишига йўл қўйилмайди:

ҳаракатлари текширилиши зарур бўлган ходимлар бўйсунувидаги ходимлар;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим билан қариндошлик алоқаларида бўлган шахслар;

хизмат текшируви натижаларидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлиши мумкин бўлган шахслар, шу жумладан ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилишига ёки интизомий қилмишнинг яширилишига дахлдор эканлиги тўғрисида асосланган гумонлар мавжуд бўлган шахслар;

мурожаати хизмат текшируви ўтказилиши учун асос бўлиб хизмат қилган шахслар;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимлар.

9. Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган суд аппарати ходими ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган асослардан бири мавжуд бўлган тақдирда комиссия аъзосини рад этиш тўғрисида ёзма шаклда арз қилишга ҳақли.

Комиссия аъзосини рад этиш асосланган бўлиши керак ва комиссия хизмат текшируви натижалари ҳақида далолатнома қабул қилгунига қадар хизмат текширувининг ҳар қандай босқичида арз қилиниши мумкин.

Комиссия аъзосини рад этиш тўғрисидаги ариза хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган иш берувчига берилади. Рад этиш ҳақидаги аризага доир қарорни хизмат текшируви ўтказишни тайинлаган мансабдор шахс (орган) рад этиш ҳақидаги ариза берилган пайтдан эътиборан бир иш қунидан кечиктирмай қабул қилиши керак. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кейинги иш қунидан кечиктирмай ходим ва комиссия аъзолари эътиборига етказилиши керак.

Ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган асослардан бири мавжуд бўлса, комиссия аъзоси дарҳол ўзини ўзи рад этиши шарт.

Суд аппарати ходимининг комиссия аъзосини рад этиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилган тақдирда ёки ушбу комиссия аъзоси ўзини ўзи рад этганда иш берувчи комиссиянинг янги аъзосини тайинлайди.

10. Хизмат текшируви тайинланган кундан бошлаб 15 кун ичida ўтказилиши лозим.

Зарурият юзага келган ҳолларда, хизмат текшируви ўтказиш муддати масъул шахснинг билдиргисига асосан хизмат текширувини тайинлаган ваколатли шахс томонидан 15 кунгача узайтирилиши мумкин. Бу ҳақда шикоят ёки мурожаат муаллифига ҳамда манфаатдор томонларга маълум қилинади.

11. Хизмат текшируви масъул шахс томонидан текширув ўтказиш тартиби ва бажарилиши лозим бўлган масалалар юзасидан тузилган режага асосан ўтказилади.

Мазкур режа хизмат текширувини тайинлаган ваколатли шахс томонидан тасдиқланади.

12. Хизмат текшируви давомида текширувга тааллуқли бўлмаган масалалар юзасидан текшириш ўтказишга йўл қўйилмайди.

13. Комиссия қуйидаги хуқуқларга эга:

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган суд аппарати ходимларига ёзма шаклда тушунтиришлар тақдим этишни, шунингдек хизмат текшируви масалаларининг моҳияти юзасидан бошқа ахборотни маълум қилишни таклиф этиш;

хизмат текшируви жараёнида аниқланиши керак бўлган ҳолатлар ҳақида бирор-бир маълумотдан хабардор бўлиши мумкин бўлган ходимларга улар юзасидан ёзма тушунтиришлар беришни таклиф этиш;

хизмат текширувани ўтказиш учун муҳим бўлган ҳужжатлар билан танишиш ва зарурат бўлганда уларнинг қўчирма нусхаларини хизмат текшируви материалларига қўшиб қўйиш;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган суд аппарати ходими фойдаланадиган хизмат ва ишлаб чиқариш хоналарини, шу жумладан унинг иш жойини, жой участкаларини, омборларни, столларни, жавонларни, папкаларни ва махфий ахборотни ташувчи жисм мавжуд бўлиши мумкин бўлган бошқа предметларни суд раисининг розилиги билан кўздан кечиришни амалга ошириш, шунингдек иш берувчидағи махфий ахборот мавжуд бўлган барча жисмларни ҳамда уларнинг келиб тушиши ва ҳаракатланишини акс эттирувчи ҳисобга олиш ҳужжатларини (ҳисобга олиш дафтарлари ва журналларини) суд раисининг розилиги билан текшириш.

#### 14. Комиссия:

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган суд аппарати ходимининг ҳамда хизмат текшируvida иштирок этиш учун жалб қилинган бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиши;

хизмат текшируви материалларининг бут сақланишини ва махфийлигини таъминлаши, текширув натижалари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этмаслиги;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган суд аппарати ходимига унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

интизомий қилмиш содир этилганлиги факти аниқланган тақдирда, ушбу интизомий қилмиш содир этилган сана ва вақтни, интизомий қилмишни содир этган суд аппарати ходимининг жавобгарлиги даражаси ва хусусиятига таъсир қиласидиган, унинг айбини ҳам оғирлаштирадиган, ҳам енгиллаштирадиган ҳолатларни ҳужжат билан тасдиқлаши;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган суд аппарати ходимининг шахсий, ишбилармонлик ва ахлоқий сифатларини тавсифловчи ҳужжатлар ва материалларни тўплаши;

илгари ўтказилган хизмат текшируви материалларини, шунингдек ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган суд аппарати ходими томонидан илгари содир этилган интизомий қилмиш тўғрисидаги ахборотни ўрганиши;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган суд аппарати ходимига ўтказилаётган текширувга бевосита алоқадор бўлган масалаларнинг моҳияти юзасидан тушунтириш беришни таклиф қилиши, у тушунтириш беришни рад этган тақдирда эса комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган тегишли далолатнома тузиши;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган суд аппарати ходими томонидан интизомий қилмиш содир этилганлигига гувоҳ

бўлганлар хизмат текшируви жараёнида аниқланган тақдирда, улардан тушунтириш олиши;

хизмат текшируви ўтказиши тўғрисида қарор қабул қилган суд раисига меҳнат мажбуриятларининг аниқланган ва бартараф этилиши талаб қилинадиган бузилишлари ҳақида дарҳол хабар бериши;

суд аппарати ходимининг интизомий қилмишни содир этишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаши ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган чораларни таклиф қилиши;

хизмат текшируви натижалари тўғрисида далолатнома тайёрлаши;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилган суд аппарати ходимини хизмат текширувани ўтказиши натижалари тўғрисидаги далолатнома билан имзо қўйдириб таништириши, танишиш рад этилган ёки танишганлик тўғрисида имзо қўйиш рад этилган тақдирда эса комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган тегишли далолатнома тузиши шарт.

15. Мурожаат муаллифи ёки бошқа шахслар тегишли судга телефонограмма, телеграмма, электрон мактуб, далолатнома асосида телефон орқали ёки телефакс орқали чақирилиши мумкин.

16. Маст ҳолатда ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки одамнинг ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида бўлган шахсдан тушунтириш олишга йўл қўйилмайди.

17. Мурожаат муаллифи республика худудидан ташқарига узоқ муддатларга чиқиб кетганлиги аниқланган тақдирда, бу тўғрисида мурожаат муаллифининг иш жойидан ёки яшаш жойидаги тегишли ички ишлар органларидан белгиланган тартибда маълумотнома олинади.

18. Мурожаат муаллифи ёзган мурожаатини инкор этса, бу ҳақда ундан ёзма тушунтириш олинади ва мурожаат белгиланган тартибда кўрмасдан қолдирилади ҳамда хизмат текшируви ўтказиши тугатилади (мурожаатга дахлдор бўлмаган бошқа ҳолатлар бундан мустасно).

Бунда мурожаат кўрмай қолдирилганлик ҳақида тегишли хulosса тузилади, у ваколат берилган масъул шахс томонидан тасдиқланади.

19. Хизмат текшируви жараёнида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан суд ҳужжатларидан нусхалар, зарур бўлган ҳолларда бошқа идоралардан тегишли тартибда маълумотномалар олинади.

20. Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган суд аппарати ходими:

хизмат текшируви нима сабабли ўтказилаётганини билишга;

комиссия аъзоларини рад этиш тўғрисида арз қилишга;

хизмат текшируви масалалари бўйича ёзма тушунтиришлар беришга;

хизмат текшируви ўтказилиши давомида илтимосномалар беришга;

хизмат текшируви материалларига қўшиб қўйиш учун ҳужжатлар, ашёвий далиллар тақдим этишга;

гувоҳларни хизмат текшируви ўтказилиши давомида кейинчалик уларни сўровдан ўтказиш учун тақдим этишга;

хизмат текшируви материаллари билан танишишга, улардан кўчирмалар, кўчирма нусхалар олишга;

хизмат текшируви натижалари ҳақидаги далолатнома билан танишишга;

комиссиянинг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан якка тартибдаги меҳнат низолари учун белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақлидир.

Ходим ўз шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотни рад этиш учун хизмат текшируви ўтказилишини талаб қилишга ҳақлидир. Хизмат текширувини ўтказиш тўғрисидаги ариза иш берувчига ёзма шаклда берилади ва у тақдим этилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган суд аппарати ходими ўзига берилган ҳуқуқлардан виҷдонан фойдаланиши, хизмат текшируви ўтказилишига монелик қилмаслиги, шу жумладан хизмат текшируvida иштирок этишдан бўйин товламаслиги, ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар содир этиш йўли билан монелик қилмаслиги шарт.

### **3-боб. Хизмат текшируви хулосасига қўйиладиган талаблар**

21. Масъул комиссия томонидан хизмат текшируви якуни бўйича аниқланган ҳолатлар юзасидан асослантирилган хулоса тузилади ва текширувни тайинлаган ваколатли шахс томонидан тасдиқланади.

22. Хизмат текширувининг натижалари ҳақидаги қарордан рози бўлмаган комиссия аъзоси хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатномага илова қилинадиган ўзининг алоҳида фикрини ёзма шаклда баён этишга ҳақлидир.

Хизмат текшируви натижалари ҳақидаги далолатномада қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилган суд аппарати ходими тўғрисидаги (ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми, у бажараётган иш (эгаллаган лавозим), ушбу иш берувчидаги иш стажи, илгари содир этилган интизомий ҳуқуқбузарликлар учун интизомий жазонинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотлар);

хизмат текширувини ўтказган комиссия таркиби тўғрисидаги;

хизмат текширувини ўтказиш асослари ҳақидаги;

ходим интизомий қилмиш содир этганлиги фактининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги;

интизомий қилмиш содир этилганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳақидаги;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилган ходимнинг тушунтиришларида кўрсатилган важлар тўғрисидаги;

суд аппарати ходимининг интизомий қилмиш содир этганлиги ҳолатлари ва унинг оқибатлари ҳақидаги;

суд аппарати ходимининг ўз меҳнат мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун унинг айбордлигини тасдиқловчи ёки истисно этувчи материаллар тўғрисидаги;

интизомий қилмиш содир этилганлиги натижасида суд аппарати ходими томонидан етказилган заарнинг хусусияти ва миқдори ҳақидаги (агар шундай заар мавжуд бўлса).

Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатноманинг якунловчи қисмида хизмат текшируви натижасида комиссия келган хulosалар шакллантирилган бўлиши керак. Суд аппарати ходими томонидан интизомий қилмиш содир этилганлиги факти тасдиқланган тақдирда, хизмат текшируви натижалари ҳақидаги далолатномада ходимни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида, ходим ҳақиқатдан тўғридан-тўғри заар етказганлиги факти аниқланган тақдирда эса моддий жавобгарликка ҳам тортиш ҳақида суд раисига йўлланган таклифлар, шунингдек меҳнат интизомини кучайтиришга, ходимлар томонидан интизомий қилмишлар содир этишга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган, профилактика хусусиятига эга бўлган тавсиялар мавжуд бўлиши керак.

Агар хизмат текширувини ўтказиш натижасида суд аппарати ходимининг интизомий қилмиш содир этганлиги фактининг мавжуд эмаслиги ёхуд ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун айби йўқ эканлиги аниқланса, хизмат текширувининг натижалари тўғрисидаги далолатноманинг якунловчи қисмида ходимга нисбатан асоссиз шубҳаланиш учун имкон берган сабаблар ёхуд ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажаришига монелик қилаётган ҳақиқий сабаблар кўрсатилиши керак.

Агар комиссия хизмат текширувини ўтказиш учун суд аппарати ходимининг шаънига, қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи нотўғри маълумотлар асос бўлганлигини аниқласа, хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатноманинг якунловчи қисмида ушбу маълумотларни рад этиш ҳақидаги тавсиялар бўлиши керак.

**23. Хизмат текшируви хulosасида ўчириб ёзиш ёки тузатишларга йўл қўйилмайди.**

**24. Хизмат текшируви хulosасига текширув даврида тўпланган барча хужжатлар ва олинган тушунтиришлар илова қилиниши шарт.**

## 4-боб. Якуний қоидалар

25. Хизмат текшируви натижасида ходим томонидан ножўя хатти-ҳаракат содир этилганлиги аниқланган тақдирда тегишли муносабат билдириш масаласи ваколатли шахс эътиборига ҳавола қилинади.

Интизомий жазо қўлланиладиган ҳолларда, амалдаги меҳнат қонунчилигида белгиланган тартиб ва муддатларга риоя этиш лозим.

26. Хизмат текшируви якунлангач, унинг натижалари юзасидан 3 кундан кечиктирмай мурожаат муаллифига ваколатли шахс имзоси билан ёзма равишда жавоб берилади ва хизмат текшируви тайинлашга асос бўлган ҳужжат ҳамда хизмат текшируви хulosаси нусхаси Олий суднинг Кадрлар бошқармасига юборилади.

Хизмат текшируви хulosасининг нусхаси ходимнинг шахсий йифмагилдига қўшиб қуйилади.

27. Ўтказилган хизмат текшируви якунларига кўра мурожаат муаллифи, ходим ёки бошқа шахсларнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик ёхуд жиноят аломатлари мавжудлигига шубҳа бўлса, уларга ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга юборилади.

Хизмат текшируви натижасида ходимнинг хатти-ҳаракати судьянинг таъсири остида содир қилинганлиги аниқланса, бу ҳақда тегишли малака ҳайъатига маълумот киритилади.

28. Хизмат текшируви материаллари, шу жумладан:

хизмат текширувини тайинлаш ҳақида ваколатли шахснинг буйруғи;

хизмат текширувини ўтказиши учун асос бўлган ҳужжат ёки унинг нусхаси;

хизмат текшируви режаси;

хизмат текшируви ўтказилган ходим ва хизмат текширувига алоқадор бошқа шахсларнинг ёзма тушунтиришлари ҳамда бошқа материаллари;

хизмат текшируви хulosаси;

мурожаат муаллифига юборилган жавоб хатининг нусхаси (почта паттасини илова қилган ҳолда);

хизмат текшируви натижасида ходимга нисбатан кўрилган чоралар ҳақидаги маълумотлар;

хизмат текширувига оид бошқа ҳужжатлар юқорида келтирилган тартибда алоҳида жилдга тикилиб, тегишинча Олий суднинг Кадрлар бошқармаси, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ёки вилоятлар ва уларга тенгглаштирилган судларнинг кадрлар билан ишлаш бўйича масъул ходимида сақланади.

29. Хизмат текшируви ўтказилган шахснинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир этиш эҳтимоли мавжуд бўлган ҳолларда, хизмат текшируви билан боғлиқ ҳужжатларни ошкор қилиниши, таништирилиши ёки нусхалар берилишига йўл қўйилмайди.